

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**



Оқдарё туман ҳокими

Ш.А.Құдратов

24.03.2022 йил

**ТЕХНИК ВАЗИФА**

**Оқдарё туман Ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш бўйича**

**КОНКУРСЛАРНИНГ МАЪЛУМОТ ЖАДВАЛИ**

Ушбу булим танлов (конкурс) мавзуларига оид аник коидаларни ва танлов хужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумотлардан ёки талабларини уз ичига олади

<b>№</b>	<b>Бўлим номи</b>	<b>Бўлимлар учун тушинтиришлар</b>
1	Буюртмачи	Оқдарё туман Ҳокимлиги
2	Танлов мавзуси ёки номи	Оқдарё туман Ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш хизмати
3	Конкурс тартиб рақами	№8
4	Буюртмачи манзили	Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Лоиш шахарчаси А.Темур кучаси 37-үй
5	Алоқа учун шахс	Оқдарё туман Ҳокимлиги бош хисобчиси Ш.Шакаров тел: 99-663-34-44
6	Танлов эълони эълон қилинган жой	Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси <a href="http://www.xarid.uzex.uz">www.xarid.uzex.uz</a>
7	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади	Юридик шахслар бирлашмалари (консорциумов) танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.
8	Товар (иш, хизматларнинг) нархи	480 778 607 UZS (Тўрт юз саксон миллион етти юз етмиш сakkiz минг олти юз етти) сум (ҚҚС сиз).
9	Танлов ўtkазиладиган жой манзили:	Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Лоиш шахарчаси А.Темур кучаси туман ҳокимлиги биносида
10	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:	-Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан руйхатдан ўтган бўлиши шарт. -Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга -Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўклиги: -Уларга нисбатан банкротлик таомили -Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар хақида қайднинг мавжуд эмаслиги. -Иштирокчилар оқдарё туман ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатлари асосида ишларни бажариш бўйича хужжатлар тақдим

		<p>асосида ишларни бажариш бўйича хужжатлар тақдим этишлари лозим.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Техник вазифада келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериси</li> <li>-Иш ва хизматларни шартномада келтирилган вақтдан кечиктирмаган ва сифатли ҳолатда буюртмачига етказиб берилиши шарт</li> </ul>
11	Танлов бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Эълон жойлаштирилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
12	Танлов вазифаларини расмийлаштиришга доир талаблар:	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Танлов таклифларини расмийлаштиришда танлов иштирокчиси ўз таклифини электрон тартибда белгиланган ҳужжатларни барчасини тақдим этиши лозим.</li> <li>-Берилган таклифда иш ва хизматларга доир барча маълумотлар акс эттирилган бўлиши шарт.</li> <li>-Умумлаштирилган суммалар инобатга олинмайди.</li> <li>-Умумлаштирилган суммада берилган таклифлар қабул қилинмай қайтарилади.</li> </ul>
13	Шартнома баҳосини ва ижрочилар билан хисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта хамда тулов тартиби ҳақидаги ахборот:	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Шартнома баҳоси ва ижрочи билан хисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси СўМда амалга оширилади.</li> <li>-Ижрочи шартнома 2 томонлама имзоланиб олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 кунда иш ва хизматларни топшириши керак. (топшириш банк обмери)</li> </ul> <p>Тулов тартиби:</p> <p><b>март ойида 30% тўлов амалга оширилади.</b></p> <p><b>апрел ойида 70% тўлов амалга оширилади.</b></p>
14	Танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги	Ўзбек тили (кирилл ёзуви)
15	Тендер таклифларини қабул қилиш	Таклифлар сайтда эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.
16	Молиялаштириш манбай:	Маҳаллий бюджет

Молиялаштириш манбай

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Оқдарё туман ҳокими

Ш.А.Құдратов

24.03.2022 йил



Оқдарё туман Ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш бўйича

**УМУМИЙ ГРАФИГИ**

№	Иш ва хизматлар номланиши	Ишларнибошланиш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1	Оқдарё туман ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш	Олдиндан тўлов амалга оширилган кун	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан сунг 30 кун

Оқдарё туман Ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш бўйича

молиялаштириш умумий графиги:

№	Тулов амалга ошириладиган ойлар	Тулов хажми % (фоиз)да
1	Март 2022 йил (олдиндан тулов)	30%
2	Апрел 2022 йил (бажарилган ишга караб)	70%

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
ОКДАРЁ ТУМАН ҲОКИМИЯТИ**

**Окдарё туман ҳокими**

**Ш.А.Кудратов**

**2022 йил**



**Бажарувчи ташкилотнинг танлаб олиш учун  
танлов хужжатлари**

**Окдарё -2022 йил**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

# **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1 Танлов предмети: **Оқдарё туман ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш.**

1.2 Танлов қиймати **480 778 607 UZS** (Тўрт юз саксон миллион етти юз етмиш саккиз минг олти юз етти) сум (**KKC** сиз). Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Жорий таъмир бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4 Ишларни бажариш ва маҳсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланиб, олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 (үттиз) иш куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1 **ОҚДАРЁ ТУМАН ҲОКИМИЯТИ** (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили- Оқдарё туман Лойиш шахарчаси А.Темур кўчаси 37 уй  
Эл.адрес: OQD@hok.uz

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов ОҚДАРЁ ТУМАН ҲОКИМИЯТИ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 50 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва молиявий ресурслари мавжудлиги;
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вколатлар;
- танлов шартига ўхшаш ишларни бажарганлиги тўғрисидаги тажрисбасининг мавжудлиги;

- илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов шартига кўра мўлжалланаётган ҳажми (100 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
- Низом маблағи миқдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лецинзияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади. Товар ва маҳсулотлар учун сифат-сертификат талаб қилинади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ.**

4.1 Иштироқчилар ўз таклифларини электрон кўринишида ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
  - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак;
- Танлов иштироқчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини мұхрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4 Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатларрўйхати илова қилинади):

4.5 Танлов иштироқчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар кириш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олидн келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларга доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим тиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.